

---

Сектор раҳбарига билдирилган мурожаат асосида маҳалланинг янги аҳоли хўжаликлари кўчиб чиққан кўчасига шағал тўшалди

Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Бахтиёржон Нажмиддинов иштирокида ўтказилган сайёр қабулда билдирилган мурожаат асосида “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини ички хўжалик йўлларига шағал ётқизилди.



---

Қайд этилишича, маҳалланинг янги кўчиб чиққан аҳоли хонадонлари жойлашган Янгисой кўчаси йўли аввал анчайин хароб ҳолатда бўлиб, шу хонадонларда яшовчи ўғил-қизлар ҳудуддаги 16-умумий ўрта таълим мактабига шу йўлдан қатнайди.



---

Мавжуд ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси йўлсозлари жалб этилиб, йўлнинг 1100 кв. метр қисмига шағал тўшалди ва созланди.

2022-10-25 11:49:53